


# КОММУНИЗМ—МИЛЛИОНЛАРНИНГ ИЖОДИЙ МЕҲНАТИ САМАРАСИДИР

## МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТУФАЙЛИ

Қорахитой оҳак-тош карьерида бундан бир йил муқаддам деярлик барча операциялар қўлда бажарилар эди. Фойдаланиладиган асбоб-ускуналар жуда кам бўлиб, уларнинг қуввати ҳам паст эди. Эндиликда жуда кўп операциялар машиналар ёрдами билан бажарилмоқда. Пармалаш, портлатиш, бошқа тоғ жисмларини отвалга ташиш каби оғир жараёнлар тўла механизациялаштирилди.

Бу, давлат планларини муваффақиятли бажаришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Оҳак тоши қазиб чиқариш йиллик плани ортиғи билан адо этилди. Истеъмолчиларга 28 минг тонна маҳсулот етказиб берилди.

Карьер коллективи йил охиригача яна 4 минг тонна оҳак тош тайёрлаш учун кураш бошлади. Бунда, айниқса, коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган ўртоқ Қ. Бориев бошчилигидаги бригада аъзолари пешқадамлик қилишмоқда. Улар ҳар сменада қўшимча равишда ўнлаб тонна оҳак тоши қазиб чиқаришаяпти.

**С. ҲАЙИТҚУЛОВ.**

## Учта мактаб-интернат

*Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз территориясида 600 ўқувчига мўлжалланган 6-мактаб интернат ишга тушди. Мактаб-интернатда яхши жиҳозланган ўқув корпуси, ишлаб чиқариш хоналари ва ётоқхона бор. Бу ерда тарбияланувчилар учун намунали ошхона, ҳаммом ҳам қурилган. Ишлаб чиқариш корпусида ўқувчилар политехника таълимини пухта эгаллашлари учун механика, слесарлик, электр иши ва дурадгорлик устахоналари ташкил этилди.*

*Бундан ташқари пойтахтимизнинг Киров районидаги янгиариқ кўчасида 300 ўқувчига ва Ялангоч массивининг Чермет кўчасида 600 ўқувчига мўлжалланган мактаб-интернат бинолари қуриб битказилди. Янги йил арафасида бу иккала мактаб-интернат ҳам ёш авлодни ўз қучоғига олади.*

*М. НУРИДДИНОВ.*

## Кекса коммунистлар ташаббуси

**ОҲАНГАРОН.** 6-совхознинг коммунистлари маданий-маиший бинолар қурилишида актив қатнашмоқдалар. А. Рустамов, У. Мусаев, Ў. Умбетов ўртоқлар каби кекса коммунистларнинг ташаббуси билан 2-бўлимдаги эски клуб биноси қайта ремонт қилиниб, ишга туширилди. Ҳозир бу ерда тез-тез кинофильмлар кўрсатилмоқда, турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилаётир.

**Т. ХУШНАЗАРОВ.**



Ўзбекистон трактор-йиғув заводи механика-йиғув цехининг шлифовкачиси Раҳимжон Муҳаммадбобоев КПСС XXII съезди шарафига бошланган меҳнат вахтасини давом эттириб, янги-янги ютуқларни қўлга киритаётир. У смена топшириқларини 150—160 процент бажариб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Суратда: ўртоқ Р. Муҳаммадбобоев иш устида.

А. Абалян фотоси.

## Муддатидан 40 кун илгари

Тошкент шаҳар ижроия комитети маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли кўн-галантерия комбинатининг коллективи етти йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 11 ойлик планни муддатидан деярлик бир ой илгари бажарган ҳамда ички имкониятларни ҳисоблаб чиқиб, йиллик топшириқни 25 ноябргача бажариш юзасидан янги оширилган мажбурият олган эди.

КПСС XXII съездининг тарихий қарорлари ҳамда съездда қабул қилинган партия янги Программаси комбинат ишчилари, инженер-техник ходимларининг ғайратига-ғайрат қўшди. Коллектив ноябрь ойида янада самаралироқ меҳнат қилиб, йиллик планни 20 ноябрда 100,6 процент қилиб бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

Коллективнинг ана шундай муваффақиятларга эришишига ўнлаб ишчилар катта ҳисса қўшдилар. Мажидова, Акбарова, Мартова, Гизатуллин, Малишев ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир. Бу пешқадам ишчилар смена нормасини 130—150 процентга етказиб адо этаётирлар.

Шу кунларда корхона коллективи партия XXII съездининг тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилиб, астойдил меҳнат қилмоқда. Фидокор ишчилар йил охиригача пландагидан ташқари яна 110 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбурият олиб ишлаётирлар.

## ЧЕВАР ҚЎЛЛАР

Смена тугаб, шовқин-сурондардан бирдамгина холи бўлган цех қиз-жувонлар билан яна тўлди. Станоклар тоғ шаршараларини эслатувчи товуш билан яна гуруллай бошлади. Чевар қўллар яна илдам ҳаракатга тушди. Бу янги сменанинг бошланишидан дарак берарди.

Тошкентдаги 2-тикув фабрикасининг меҳнатсевар коллективи аҳоли учун кўплаб кийим-кечак етказиб бериш мақсадида ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқда. Чеварлар иш вақтини тежаб сарфлаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини тобора оширмоқдалар. Илгари битта ўқувчилар формаси тикиш учун уч-уч ярим минут сарфланган бўлса, ҳозир у 2—2,5 минут ичида тайёр бўлмоқда. Натижада ҳар куни нормадаги 70 ўрнига 100—125 та ўқувчилар формаси қўлдан чиқаётир.

Фабрика коллективи йиллик топшириқни 10 декабргача бажариш ҳамда қўшимча равишда 12 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга бел боғлаган.

**П. НИШОНОВ.**

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

## АГИТАТОР КЕЛДИ

Бугун ҳам Гулхон анча хурсанд эди. У, ишдан кейин иккинчи участкадаги болалик аёллардан 10 га яқинини тўплади. Улар билан анча гаплашди. Кейин асосий мақсадга кўчди.

— Кеча, — деди у, — сизлар клубга келмадиларинг. Яхши бўлмади. «Баҳорикор» участкасининг аъзолари эса кечадан мамнун бўлиб қайтишди.

— Клубда эшитганларингизни сўзлаб берақолинг бўлмаса, — деди аёллардан бири.

— Шунинг учун сизларни тўплаган эдим-да, — деб сўз бошлади Гулхон.—Партиямиз XXII съездининг делегати билан учрашдик. Ўртоқ Мейербеков Москвада кўрган-билганларини, съезддан олган таассуротларини бирма-бир айтиб берди. Кейин ўртоқ Мейербеков ўзи ишлаётган «Малик» совхози ишчиларининг ютуқлари билан таништирди. Саволларимизга жавоб берди. Кеча қатнашчилари янги кинофильмни томоша қилдилар.

Агитатор партия XXII съезди белгилаб берган тадбирларни изчиллик билан амалга оширишда бригада аъзоларининг вазифаларига ҳам тўхталиб ўтди.

Агитаторнинг кейинги суҳбатига кўп киши тўпланди. Аёллар Гулхоннинг келганини эшитиб, ёни-веридаги қўшниларини ҳам бошлашиб чиқибди.

Бу сафарги суҳбат Тошкентда бўлиб ўтган пахтакор республикалар қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашининг якунларига бағишланди. Агитатор Совет ҳукуматининг бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчев пахтакорлар олдига қўйган вазифаларни оддий ва тушунарли қилиб сўзлаб берди.

— Умуман, — деди агитатор, — бу йилги ишимиз чакки бўлмади. Партия ва ҳукуматимиз айтганидек ишлаб, ҳосилни кўпайтирдик. Бригадамиз бўйича ҳосилдорлик бир йил ичида гектар бошига 5 центнерданга кўпайди. Ҳар гектар ердан 28 ўрнига 32 центнердан пахта олинди. Социалистик мажбуриятимиз муддатидан олдин адо этилди.

Ҳаммаларингизга маълумки, ютуқ осонлик билан қўлга киритилмади. Тер тўкиб меҳнат қилганимиз туфайли ғалабага эришдик. Яхши ишлаганлар мукофотланди, интизомни бузганлар танқид қилинди. Мусобақада Билқиз ғолиб чиқди. У, ҳаммадан кўп — 10 тоннадан ортиқ пахта териб, катта ҳурмат қозонди. Зина бўлса илғорлардан ўрнак олмади, турли баҳоналарни рўкач қилиб, ишга ҳафсаласизлик билан қаради. Мажлисларда гапирдик, қулоқ солмади. Кейин уни радио орқали танқид қилдик, шундан кейингина ишга бўйин берди.

Энди бригадамизда прогулчи, ишёқмаслар қолмади. Енгил-елпи ишдаги эркакларимиз ҳам далада этак тутиб кўрак юлишмоқда. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлаганимиз учун олдинги бригадаларга етиб олдик.

Шу кеча-кундуздаги вазифамиз аниқ. План ва мажбуриятни бажардик, деб хотиржамликка берилиш ярамайди. Аввал қандай ишлаган бўлсак, энди ундан ҳам яхшироқ меҳнат қилишимиз лозим. Ҳали далада ҳосил бор. Уни тезроқ йиғиштириб олишимиз керак.

Суҳбат охирида агитаторга бир қанча саволлар берилди. Гулхон бу саволларга содда-содда қилиб жавоб берди. Йиғилганлар бу суҳбатдан зўр қониқиш ҳосил қилиб тарқалишди.

Колхозда коммунист Гулхон Абдуллаева каби жамоатчи агитаторлар кўп. Улар партиямиз XXII съезди материалларини омма ўртасида кенг пропаганда қилиб, партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Агитаторлар ўзларининг жўшқин нутқлари билан колхозчиларни меҳнатда янги муваффақиятларга эришиш учун курашга руҳлантирмоқдалар.

Агитатор қиз Шарофатхон Умарованинг ишлари, айниқса, ҳаммани қувонтиради. У, съезд давом этаётган кунларда терим нормасини 2—2,5 баравардан бажарган эди. Ҳозир кўрак юлишда жонбозлик кўрсатаяпти. Шарофатнинг ҳозиргача терган пахтаси 13 тоннадан ошиб кетди. Қўчқор Тоғаев ҳам кундуз кунлари кўрак юлиб, кечқурунлари агитаторлик қилади. Колхозчиларни бир ерга тўплаб, уларга съезд материалларини тушунтирмоқда.

Абдураҳмон Исаев бошлиқ бригаданинг иши кўпинча танқид қилинарди. Бригада бошлиғи ташкилотчилик қобилияти йўқлиги учун кўп гап эшитди. Партия бюроси кўпчиликнинг фикри билан ҳисоблашиб, бригада ишига ёрдам бериш учун коммунист агитатор Оқбола Тўйчиевни юборди. У, бригадир ва колхозчилар билан ҳамкорликда ишни жонлантириб, пахтакорларни оёққа турғизди. Колхозчилар ўртасида мусобақа авж олди. «Жанговар варақа» чиқариб турилди.

Оддий коммунистнинг халқ орасидаги ташкилотчилиги ўз самарасини кўрсатди. Бригада районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди. 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 ўрнига 34 центнердан ҳосил кўтарилди.

Колхоз партия комитетининг секретари Абдукарим Тожибоев тиниб-тинчимаган, ғайратли йигит. Унинг ташаббуси билан колхозда агитаторларнинг мактаби ташкил этилган. Бу мактаб-семинарда агитаторлар съезд материалларини қандай қилиб пропаганда қилиш ҳақида методик кўрсатмалар олмоқдалар.

Колхозда деярлик ҳамма партия XXII съезди қарорларини ўрганмоқда. Жуда кўп коммунист ва комсомоллар партия маорифи шохобчаларига тортилган. Колхоздаги лекторлар группасининг аъзолари ҳам съезд материаллари билан қуролланганлар. Махсум Холов, Яхё Саражиев, Антонина Сушинская каби лекторлар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг съездаги докладлари юзасидан лекциялар ўқиётирлар.

Съезд материаллари кенг пропаганда қилиниши туфайли колхозда хўжалик ишлари анча яхшиланди. Артель аъзоларининг меҳнатга бўлган муносабатлари тубдан ўзгармоқда. Буни қуйидаги мисолдан ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили 22 бригададан 3 тасигина планни бажарган бўлса, бу йил планини ошириб бажармаган биронта ҳам бригада қолмади. Колхоз гектар бошига 27,7 ўрнига 30 центнердан «оқ олтин» олди.

Партия комитетининг ҳар бир коммунистга нисбатан қаттиқ талабчанлик қилиши, оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларни юқори даражага кўтариши сабабли пахтачиликни ривожлантириш соҳасида кескин бурилиш ясалди. Ҳосилдорлик ошди.

Лекин хўжаликнинг бошқа соҳалари кишини хурсанд қилмайди. Масалан, чорва моллар қишловига тайёрланишни олайлик. Бу иш ҳалигача ўлда-жўлда, молхоналар ремонти тамомланмаган, ем-хашак етарли эмас. Соғин сигирларнинг парвариши ёмон. 240 бош сигирдан 130 таси соғилаяпти, холос.

Боғдорчиликдан кам даромад олинмоқда. Партия комитети сабзавот ва полиз экинлари ҳосилини кўпайтириш масаласига етарли эътибор бермаяпти. Район партия комитети колхоз партия ташкилотининг ишидаги бундай камчиликларни бартараф қилишда унга ёрдам бериши керак.

Партиямизнинг тарихий съезди хўжаликни комплекс ривожлантиришнинг улуғвор программасини чизиб берди. Шундай экан, колхоз партия комитети ва правление колхозчиларнинг куч ва ғайратини пахта етиштириш билан бирга гўшт, сут, картошка ва сабзавот маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтиришга ҳам сафарбар этмоғи лозим.

**М. ҒОЗИЕВ,**

**Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози.**

## ҚИЗИҚИШ КАТТА

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг коллективи ўртасида КПСС XXII съездининг материаллари зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Институтда съезд материалларига бағишланиб илмий конференциялар ўтказилмоқда, тематик савол-жавоб кечалари ташкил этилаётир.

Институт партия ташкилоти коммунизм қурувчиларнинг ахлоқ кодекси ҳақида студентлар ўртасида мунозаралар ўтказишни ҳам планлаштирди. Х. Бекмуҳамедов, М. Тошмуҳамедов, Ҳ. Абдураҳмонов ўртоқлар каби ўқитувчилар ўзлари раҳбарлик қилаётган курсларнинг студентлари ўртасида съезд материалларига бағишлаб суҳбатлар ўтказаётирлар. Студентлар съезд материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

**Т. СОЛИЕВ.**

# Кутубхоналар бойлиги—оммага

Китоб коммунистик жамият қуриш учун зарур билимлар олиш манбаи, совет кишисида коммунистик хислатларни тарбиялаш воситасидир. Меҳнаткашларнинг улуғ доҳийси В. И. Ленин китобга жуда катта баҳо берган эди. У, китобсиз билим бўлмайди, билимсиз эса коммунизм бўлмайди, деб кўрсатган эди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари туфайли мамлакатимизда босиб чиқарилаётган китоблар сони йил сайин кўпаймоқда, кутубхоналар тармоғи кенгаймоқда, ўз ишини яхши биладиган ва жондан севадиган кутубхона ходимларининг кўп сонли армияси ўсиб етишмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган коммунистик қурилишнинг улуғвор планида китоб босиш ишини ва матбуотни янада ҳар тарафлама ривожлантириш, кутубхоналар ва ўқув заллари тармоғини кенгайтириш назарда тутилади.

Ҳозирги вақтда Тошкент областида 371 та, шу жумладан 160 та колхоз ва касаба союз кутубхоналари бор. Шуниси қувончлики, кутубхоналар кейинги вақтда китобни пропаганда қилишни бир мунча яхшиладилар ва бу билан меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда партия, совет, касаба союз ташкилотларига яқиндан амалий ёрдам бермоқдалар.

Кутубхоналар ишининг мазмуни сезиларли даражада ўзгарди. Ҳозирги вақтда улар партиямизнинг XXII съездида қабул қилинган КПСС Программаси ва Уставини пропаганда қилиш, совет халқининг коммунистик жамият қурилиши жараёнида эришган муваффақиятларини омма ўртасида тушунтириш ва уларни Ватан фани ҳамда техникаси ютуқлари билан таништириш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Кутубхоналар ўз иш фаолиятларида меҳнаткашларнинг коллективларига олинган социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш, КПСС XXII съездининг қарорларида ва партиямизнинг янги Программасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда катта ёрдам бермоқдалар.

Кутубхоналарнинг ишида китобхонларга хизмат кўрсатишнинг хилма-хил янги форма ва методлари кенг қўлланила бошланди. Коллектив бўлиб китоб ўқиш, суҳбат, лекция, савол-жавоб кечалари, китобхонлар конференциялари ўтказиш, виставкалар ташкил этиш, кутубхона плакатлари чиқариш, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, кекса коммунистлар билан учрашувлар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Кутубхоналарнинг ходимлари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг энг муҳим қарорларига тааллуқли адабиётларни системага солмоқдалар, журнал ва газеталарда босилган мақолаларнинг картатекасини тузмоқдалар, ўқувчилар билан каталоглар олдида суҳбатлашмоқдалар, уларни янги нашр этилган сиёсий, техника, қишлоқ хўжалиги ва бадиий адабиётлар билан таништирмоқдалар. Кейинги вақтда область кутубхоналари 3 мингдан ортиқ китоб виставкалари ва стендлар тайёрладилар.

Областнинг кўпчилик кутубхоналари китобхонларга китобни китобхон формулярига имзо қўйдирмасдан бериш каби мутлақо янги методни қўллана бошладилар. Китобни оммага кенг тарқатиш мақсадида 58 та кутубхона китобхонлар учун ўз фондларини очди.

Олмалиқ, Чирчиқ шаҳар, Оҳангарон, Бекобод, Ўрта Чирчиқ район кутубхоналари ва бошқа бир қатор қишлоқ кутубхоналари ўз ишларини хўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет вазифаларига мослаб қурмоқдалар. Айниқса, Оҳангарон район кутубхонаси КПСС янги Программаси ва Уставини пропаганда қилиш юзасидан катта ва мазмундор иш олиб бормоқда. Кутубхонада «Етти йиллик план — коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ҳал қилувчи қадам», «Коммунизм қуриш программаси», «Ўзбекистон етти йилликда» каби темаларда махсус виставкалар ташкил қилинган. Бу ердаги стендда мамлакатимиз, республикамиз, областимиз ва район экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар ҳамда уни янада ривожлантириш перспективалари акс эттирилган. Кутубхонада муттасил равишда китобхонлар конференциялари, савол-жавоб кечалари, коллектив бўлиб китоб ўқиш, суҳбатлар ўтказиб турилади. Кутубхона совети коммунистик меҳнат коллективларининг аъзолари ва зарбдорларига ўзларининг умумий, сиёсий, техника билимларини, маданий савияларини оширишда катта ёрдам кўрсатмоқда.

Кутубхона томонидан ташкил этилган кўчма пунктларда тематик картотекалар олиб борилмоқда. Турли касбларга тааллуқли адабиётларнинг тавсия этилган рўйхатлари осиб қўйилган. Яқинда цемент заводида В. И. Лениннинг «Буюк почин» деган асари юзасидан китобхонлар конференцияси ўтказилди. Конференцияда 500 дан ортиқ ишчи ва хизматчи иштирок этди.

Оржоникидзе районидаги Ўзгариш қишлоқ Совети кутубхонасининг иши ҳам диққатга сазовордир. Кутубхона китоб ташувчилар ва китоб ҳаваскорларининг доимий активига эга, уларнинг ёрдами билан узлуксиз равишда оммавий тадбирларни амалга ошириб бормоқда. Кутубхонанинг ўқув залида «КПСС — совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи», «Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун», «Коммунизм қурилишининг улуғ программаси» темаларида китоб виставкалари ташкил этилган. Кутубхона ходимлари ана шу виставкалар олдида китобхонлар билан партиямизнинг сиёсати, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истиқболлари, техника прогресси ҳақида суҳбатлар ўтказадилар ва уларга энг яхши китобларни олиб ўқишни тавсия этадилар.

Янгиер шаҳридаги Баландчақир кутубхонаси ҳам намунали ишламоқда. Унда китобни оммага тарқатишнинг янги формалари қидириб топилмоқда ва бу тадбир қишлоқ меҳнаткашларига ўзларининг билимларини кенгайтиришда катта ёрдам бермоқда. Кутубхонада КПСС XXII съездига бағишланган китоб виставкалари, монтажлар ташкил этилган.

Кутубхоналар фаолиятида меҳнаткашларга ўзларининг билимларини такомиллаштириш ва уларда эстетик тушунчани шакллантириш, юксак маънавий сифатларни вужудга келтиришда ёрдам берувчи янги иш формалари қўлланиладиган бўлиб қолди. Улар системали равишда адабиёт кечалари ўтказмоқдалар, тавсия этиладиган адабиётларнинг рўйхатини, тасвирий санъат ва музика масалалари юзасидан библиографик обзорлар тузиб чиқмоқдалар.

Область кутубхоналари материалистик дунёқарашни пропаганда қилиш, эскиликнинг кишилар онгидаги қолдиғига қарши кураш масалаларига катта эътибор бермоқдалар. Улар табиий-илмий ва илмий-атеистик адабиётларни пропаганда қилишнинг қизиқарли форма ва методларни қидириб топмоқдалар. Кўпчилик кутубхоналарда «Атеистик бурчак», «Фан ва дин», «Атеистик адабиёт янгиликлари» виставкалари ташкил этилган, амалий фан кечалари ўтказилмоқда.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, область кутубхоналарининг ишида ҳали кўпгина жиддий камчиликлар бор, у коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган ҳозирги вақтнинг юксак талабларига кўп жиҳатдан жавоб бермайди. Бу камчилик даставвал шундан иборатки, кутубхоналар ишлаб чиқариш ҳаёти билан яхши боғланмаганлар, меҳнаткашларнинг давримиз ҳаётини ёрқин акс эттирган китобларга бўлган ва тобора ошиб бораётган талабларини тўла қондирмаётирлар.

Айниқса, меҳнатнинг илғор, прогрессив методларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги новаторларининг иш тажрибасини, фан ва техника эришган янгиликларни акс эттирган адабиётлар яхши пропаганда қилинмаётир. Ҳамма кутубхоналарда ҳам механизация, ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва технологияни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини юксалтириш каби муҳим масалаларга бағишланган китоблар етарли равишда топилавермайди.

Областдаги айрим кутубхоналарнинг омма ўртасида китобни пропаганда қилиш ва уларда китоб ўқишга бўлган ҳавасни ошириш соҳасида етарли иш олиб бормаётганликлари, китобхонларни жалб қилиш юзасидан янги форма ва методларни қониқарсиз қўллаётганликлари аҳолининг кўпгина қисми, айниқса қишлоқ аҳолиси кутубхоналар хизматидан ҳануз четда қолиб келаётганлигига сабаб бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг мамлакатда кутубхоналар ишини янада яхшилаш юзасидан қабул қилган қарорида қўйилган вазифалар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ана шу муҳим участкасига қилинаётган раҳбарлик савиясини оширишни талаб этади. Барча аҳоли яшайдиган пунктларда китобни кенг китобхонлар оммасига яқинлаштириш мақсадида колхозларда, уларнинг участкаларида, совхозларнинг бўлимларида кутубхоналарнинг кенг тармоғини вужудга келтириш лозим. Кутубхоналар ишида жамоатчилик тартибини кенг йўлга қўйиш зарур.

Область кутубхоналарининг имкониятлари катта. Партия ташкилотлари, маҳаллий Советлар уларнинг ишини яхшилаш ҳақида кун сайин ғамхўрлик қилмоқдалар. Кутубхона ва маданият муассасалари ходимларининг бурчи — кутубхоналарда тўпланган маънавий бойликлардан тўла фойдаланишдан, ана шу бойликларни халқ манфаатлари йўлида ишга солиш ва яхши, фойдали китобларни ҳар бир совет оиласига етказишдан иборатдир.

Ҳозирги вақтда кутубхоналар олдида партиямиз тарихий XXII съездининг материалларини, КПСС янги Программасини меҳнаткашлар ўртасида кенг пропаганда қилиш ва тушунтириш каби шарафли вазифа турибди. Кутубхоналар ўзларининг бутун фаолиятлари билан ишчилар, колхозчилар ва интеллигентларга ўзларининг умумий ва сиёсий билимларини ҳар тарафлама оширишда, олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда актив ёрдам беришлари зарур.

**В. ФРОЛОВ,**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори.**

## Биз ҳам четда қолмаймиз

Улуғ Коммунистик партия йўлимизга нур сочмоқда. Қалбимизда жўш ураётган қувонч ҳислари, тўлқинланаётган куч-ғайратимизнинг ҳаммаси жонажон Коммунистик партия туфайлидир, унинг халққа донишмандларча қилаётган раҳбарлиги самарасидир.

Яқиндагина омманинг муҳокамасига тақдим этилган партиямиз янги Программаси ва Устави проектлари КПСС тарихий XXII съезди тасдиғидан ўтиб, коммунизмга катта йўл очиб берди. Энди коммунизм яқин ва реалдир.

Мен ҳисобда турган қишлоқ Совети қошидаги территориал бошланғич партия ташкилотида 25 партия аъзоси бор. Уларнинг кўпи кекса ва пенсионер-коммунистлар. Мен ҳам инвалид-пенсионерман. Биз пенсионер-коммунистлар XXII съезд материалларини қунт билан ўқиб ва уқиб, уни қишлоқ аҳолиси ўртасида кенг пропаганда қилмоқдамиз.

Мен 40 га яқин қишлоқ аҳолиси яшайдиган хонадонларни ўз ташвиқот тасарруфимга ажратиб олдим. Ҳозир ана шу хонадонларда уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёлларга, инвалид ва қарияларга XXII съезд ва пахтакорларнинг Тошкентда бўлган катта кенгаши материалларини ўқиб бермоқдаман, шу материаллар юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдаман.

Қишлоғимизда анчагина кекса коммунистлар бор. Улар ҳам партия XXII съезди материалларини аҳоли ўртасида кенг пропаганда қилишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар. 1918 йилдан бери КПСС аъзоси, пенсионер Сулаймон ота Назировнинг сўзларини ёшларимиз зўр қизиқиш билан тингламоқдалар. У колхозчиларга, ишчиларга съезд қарорларидан олган таассуротларини қизиқарли қилиб гапириб беради.

Отанинг яқинда ёшлар билан қилган суҳбати анча мароқли ўтди. Кекса коммунист партиянинг халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида қилаётган тарихий ишларини қишлоғимиз мисолида кўрсатиб берди. Ҳақиқатан ҳам социалистик қишлоғимизни мақтаса арзийди. Қишлоқ борган сари обод ва кўркам бўлмоқда. Авваллари битта ҳам устахонаси бўлмаган бу қишлоқда бирнеча саноат корхоналари ва маданий-маиший муассасалар вужудга келди. Қишлоғимиз меҳнаткашларининг фаровон турмуш кечириши учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган.

Биз, пенсионерлар партиямизнинг халқ ҳақида қилаётган ғамхўрликларини жонли мисолларда кўрсатиб, қишлоқ аҳолисини янада кўпроқ пахта, гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш учун курашга даъват қилаётирмиз.

**Й. УРИНБОЕВ,**

**агитатор.**

**Чиноз районидаги Эски Тошкент қишлоқ Совети.**

